

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 20 июль, № 141 (4294)

Жума



**Фаргона**  
“Мустақиллик дарвозаси”дан бошланади. Унинг остонасидан хатлашингиз билан гулларнинг ажиб бир бўйи димоғингизга урилади. Чор-атрофда барқ уриб ўсаётган бу анвойи гуллар сўлим воҳадаги сўнгги ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишларидан сўзлаётгандек гўё...



**В о д и й л а р и и яёв кезганда...**

Орта назар ташласангиз, ўтган 16 йил кекса тарих олдида лаҳзадек гап. Шу қисқа давр ичида, таъбир жоиз бўлса, Фаргона оламга қайта бўй кўрсатди. Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг камровли ислохотлар тўғрисида, бошқа жойларда бўлгани каби, вилоятда ҳам соҳанинг барча тармоқлари ривожланиб, пировардида, аҳолининг турмуши янада фаровонлашиб бораётди.

нинг қувонч-ташвишлари билан яқиндан ўртоқлашдик. Воҳани кезиб, ўзимиз гувоҳи бўлганларимизни сизга илдирик.

## Қирғулнинг бўстони

Қирғули — Фаргона шаҳридаги даҳалардан бири. У ўз номи билан қир гули-да. Қирғилар бағрида нефть ва кимё саноатининг бўстони бунёд этилган. 50 минг аҳоли истиқомат қиладиган шаҳар ичидаги ушбу шаҳарчада вилоятда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 70 фоиздан зиёди, мамлакатимиз бюджет тушумининг қарийб бешдан бири қисми етказиб берилмоқда.

қелган киши бугун меҳмонимиз бўлса, уни таниёлмаслиги тайин. Чунки шу давр оралигида жуда катта ҳақмида таъмирлаш, мавжуд техника ва технологияларни модернизациялаш ишлари бажарилди. Натжада, у бутунлай янгила кўйга касб этди. Энг муҳими, хорж давлатларидан замонвий ускуналар келтириб ўрнатилганиги тўғрисида айтмоқчи бўлган бўлсамиз.

Яшириб нима қилдик, собик иттифоқ даврида маъмурият қорхона Марказий Осиё республикаларини асосан ёнлиги-моилаш маъмуриятлари билан таъминлар, нефть ва бензин ҳақида гап ҳам бўлмасди. Бундай номақбул ёндашуларга истиқлолнинг даст-

(Давоми 2-бетда).

## Анжуман

### Ҳақ учун ҳуқуқ керак

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Кенгашининг йилги йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси фаолиятининг ярим йиллик ажувлари ва келгуси вазифаларга бағишланди.

Таъкидландики, ўтган давр мобайнида тизимда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Жойларда ушбу ишларнинг самарасини таъминлаш мақсадида истеъмолчиларнинг ҳуқуқий маданияти таъминлаш бўлиб қолди. Айниқса, академик лишей ва касб-хунар коллежлари талабалари орасида ўқазилган “Энг иккидорли ёш истеъмолчи” республика кўрик-танловининг аҳамияти катта бўлган.

Йилги йиғилишда айтилишича, ярим йил давомида истеъмолчилардан 2757 та ариза ва шикоят тушган. Худудий бирлашмаларнинг аралашуви билан уларнинг 90 фоизи иккибий ҳал этилди. Истеъмолчиларга 57 миллион 665,5 минг сўм моддий зарар қайтариб берилди.

Мониторинг натижаларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси тушумларини назорат қасос машиналаридан ўтказмаслик, зарур ҳолларда истеъмолчиларга товарларнинг сифати, санитария-гигиена ҳамда сотилиш қоидаларига риоя этилиши ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этиш мақсади билан уларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланди. Фарбда ишлаб чиқарилган самоволларга техник хизмат кўрсатишнинг замонвий базаси ташкил этилди, аэропортлар реконструкция қилини ва бугун Ўзбекистон ҳудудида МДХда ҳаво катловини бошқаришнинг энг яхши тизимларидан бири ҳисобланган навигация тизими таъминланди. Юқори малакали кадрлар тай-

**Ўзга юртнинг боғи билан боғчасига ўз юртининг янтоғини-да алишмаган Комилжон ҳофизнинг таронаси болалгимиздан хотирамида муҳрланиб қолган чўпон Широқнинг жасратини, Тўмариснинг маҳорати-ю, Жалолдиннинг ёвқурлигини ва ҳатто муштугини-да душманга раво кўрмаган Тарас Бульба бобонинг қайсарлигини ёдга солади.**

Мен бу қайсарликнинг, аниқроғи, қайсаридир маънода ёқимли бир хуш фазилатлиқнинг ботинида ватанпарварликнинг турли кўринишдаги қирралари мавжудлигини ҳис қиламан. Бу мавжудлик бизни ҳаммиса зийракликка, юрт тақдирин билан ўз ҳаётимизни яхлит ҳолда қўришга ундайди. Эро, аксинчалик ҳар қандай ҳолат бизни тубанлик ва маънавий басирлик ботқоғига тушириб қўяди.

Юрт манфаати билан боғлиқ ҳар қандай муждадан завқланиш, Ватан тақдирига дахлдор ҳар қандай нохуш хабардан безовталаниш туйғусидан ҳеч кимни мосуво этмасин. Бу туйғуни бизга ўн

## Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

### МЕҲРИНГИ МЕҲНАТДА НАМОЁН ЭТ!

олти йил муқаддам Мустақиллик аталмиш бебаҳо қудрат ато этди. Эндиликда бу туйғу етмиш икки томиримизда кон бўлиб оқмоқда, офтоб бўлиб йўлларимизни мунаваар этаётди.

Бугун самарқандликлар қўшалок тўйларининг олдида туришибди. Айни вақтда Истиклол байрами тадориги саодатманд шаҳримизнинг 2750 йил-

## Янги ўй МУБОРАК

Мамлакатимиз бўйлаб энг улғун, энг азиз байрамимиз — мустақилликнинг 16 йиллигига қўнғин қозирлик қўрилмоқда. Жойларда бир қатор янги қўрилиш ишосотлари, маъмурий ва турар жой бинолари фойдаланишга топширилмоқда. Шу жумладан, Навоий шаҳрида ҳам кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга ошириляётди.

Шаҳар ҳудудидаги Гулистон ва Умид қўрғонларида янги тартибда уй-йўналишлари қўриш жадвал суратда давом этмоқда. “Навоий-Ф.С.К” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан 10-кич туманда янги бинои фойдаланишга топширилди.

Тўқиз қаватли маъмурият бино қўрилиши қорхона ҳамда турар жойга ақтиёжи бор қишлоқ маблагги ҳисобланган қисқа фурсатда битказилди. Барча қулайликларга эга ушбу турар жой юз оилага мўлжалланган.

Еркул УМАР, Ўза муҳбири.

## АВИАКОМПАНИЯ ЁРҚИН УҲҚЛАРНИ КЎЗЛАМОҚДА

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси бугун халқаро авиаташишлар бозорига мустақим ўрин эгаллаб турибди. Мустақиллик йилларида миллий авиакомпания мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши тўғрисида бир қатор ислохотларни амалга оширди ва хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтарди.

Авиаккомпания матбуот хизмати-нинг маълумотларига кўра, ўтган олти ой мобайнида 11069 та ҳаво қатнови амалга оширилган. Бу 2006 йилнинг шу даврига қараганда 409 тага кўпдир. Йўловчиларни ташиш 16, юк ташиш 19,4 фоизга ўсди.

(Давоми 2-бетда).

Яқинда Россия Федерацияси Нижегород вилоятининг Муслмонлар диний бошқармаси раиси, Россия Муфтийлар кенгаши президиумининг аъзоси Умар ҳазрат Идрисов Ўзбекистонда бўлди. Ватанига қайтгач, муфтий ҳазратлари мамлакатимиз раҳбариятига мактуб йўллаб, кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорлик изҳор этгани баробарида Юртимиз бўйлаб сафаридан орттирган таассуротларини ҳам ўртоқлашди.

## Умар ҳазрат ИДРИСОВ: «Ҳаққоний, адолатли ва ўз вақтида чиқарилган қарор»

«1987 йили буюк Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини тамомлаганимнинг йигирманчи йили интихосида (унгача машур «Мир Араб» мадрасасида тахсил олиш бахтига муяссар бўлганман) Ўзбекистоннинг юрагим тўридан жой олган шаҳарларини зиёрат этдим, деб ёзди муфтий ҳазратлари. Сафарим чоғида Х.Фаиззонов номидаги Нижегород ислом институти директори Дамир ҳазрат Мухетдинов менга ҳамроҳлик қилди. Эътироф этиш кераки, кўча ва маҳаллалардаги тартиб ва тозалик, Тошкент, Бухоро, Самарқанд шаҳарлари ва туман марказларида ҳукмрон бўлган тинчлик ва осойишталик, тарихий ёдгорликлар қарор топган зиёратгоҳлар, хусусан, Самарқанддаги Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотуридий, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбандий зиёратгоҳлари, Мир Араб мадрасасидаги саранжом-сарийшталик ва гўзаллик бизларни ҳайратга солди.

Тарихий ёдгорликларни, кўз ўнгимизда барпо этилаётган эртакмонанд бунёдкорликлар — маҳобатли масжид-мадрасалар, Ислам маданияти маркази, Тошкентдаги Ҳазрати Имом диний мажмуи қурилишларини кўриб мамлакат Президентини ва халқидан мамнун-миннатдор бўлганимиз ҳолда Яратганга беадад шукрона ва ҳамду санолар айтдик.

Ўзбекистондан қайганимдан сўнг Нижний Новгороддаги жомъа-масжидида жума намози ваъзини кўрган ва эшитганларимга, Ўзбекистон муслмонларининг ҳаёти ва қўлга киритган эътиборга молик муваффақиятлари мавзусига бағишладим. Тошкентда маҳобатли Ҳазрати Имом мажмуи қурилишидаги умумий иштиқомандлик, ўз кўзимиз билан кўрганамиздек, минглаб одамларнинг кеча-кундуз сидқи-

дил меҳнат қилаётгани ҳақидаги ҳикомимиз маҳаллий муслмонларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Мен Ўзбекистон алломалари ва раҳбариятининг тарихий ҳиссаси ҳамда замонавий ислом илми ва маданиятини авайлаб-асраш ва ривожлантириш борасидаги муваффақиятлари учун Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташиқлотининг (ISESCO) юсак эътирофи тўғрисида Нижегород вилояти муслмонлариға мамнуният билан сўзлаб бердим. Биз Тошкентга 2007 йилда ислом маданиятининг пойтахти, деган юсак унвонининг берилганини ҳаққоний, адолатли ва ўз вақтида чиқарилган қарор, деб биламиз.

Ўзбекистон диний уламолари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда ўзини тарихан муваффақиятли оқлаган аъёна, яъни Бухородаги «Мир Араб» мадрасаси ҳамда Тошкент ислом университети неғизда Россия учун олим-имомлар ва мадраса муаллимлари тайёрланиши қайта тикланишига қайтиш юзасидан ўз истагимизни ва бунга тайёр эканлигимизни билдирдик. Ҳаммамизга маълумки, Россия, Қозғистон, Озарбойжон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистондаги бугунги муфтийларнинг деярли барчаси ўзбек заминидан муносиб тахсил ва тарбия олганлар.

Бугун Россия ҳамда МДХ ҳудудида тарқатилган «Минарет» журналининг махсус сонини Ўзбекистон мустақиллигининг ўн олти йиллиги, Ўзбекистон муслмонларининг фаровон ва маъмуний ҳаёти, шунингдек, барча аъёнавий яққаҳудлик динларининг давлат ва шахсан мамлакат Президентини томонидан мисли қўрилганма, бекиёс даражада моддий ва маънавий қўллаб-қувватланаётгани мавзусига бағишлаб чоп этамиз.

«Жаҳон» АА.



Бунинг учун ҳаво кемалари парки янгиланди, Фарбда ишлаб чиқарилган самоволларга техник хизмат кўрсатишнинг замонвий базаси ташкил этилди, аэропортлар реконструкция қилини ва бугун Ўзбекистон ҳудудида МДХда ҳаво катловини бошқаришнинг энг яхши тизимларидан бири ҳисобланган навигация тизими таъминланди. Юқори малакали кадрлар тай-



ёрлаш бўйича компаниянинг ўз базаси яратилди, авиация хавфсизлигининг самарали тизими ишлаб чиқилди. Ушбу долзарб вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши Ўзбекистоннинг жаҳон авиатранспорт тизимига қўшилиши ва унинг тенг ҳуқуқли аъзоларидан бирига айланishi учун имкон яратди.

(Давоми 2-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**  
Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариши ҳажми **11,6** фоизга ўсди.  
Ўтган давр мобайнида қўллаб янги йирик ва кичик қорхоналар ишга туширилгани, маъмуриятларнинг модернизация қилини, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлангани, уларда ички имкониятлар ва ресурслардан умумий фойдаланишнинг тўғрисида шундай иқобий натижага эришилди.



**ЖАҲОН**

24 соат  
ичида

**Етакчининг таклифи**

Фаластин етакчиси Махмуд Аббос мухториятда парламент ва президентлик учун янги сайловлар ўтказиш таклифи билан чиқди.

Унинг сўзларига кўра, яқин кунлар давомида сайловни ўтказиш бўйича бир қарорга келинади. Махмуд Аббос бу масаладаги таклифини ЕИ вакили Хавьер Солана билан биргаликда ўтказган матбуот анжуманида баён қилди. «ХА-

МАС» ҳаракати қайтадан сайловлар ўтказишга қаршилигини билдирмоқда. Махмуд Аббос Газо секторига қарама-қаршилик ниҳоясига етмагунча «ХАМАС» билан ҳеч қандай музокаралар ўтказилмаслигини таъкидлади.

**Сабаблари ўрганилапти**



Кеча хабар қилганимиздек, Сан-Паулу-даги «Конгоньяс» аэропортида «Airbus A320» самолёти қўнаётган пайтда ҳалокатга учраганди.

Ҳозирда фожиа юз берган жойда кидирув-кутқарув ишлари давом эттирилмоқда. Бразилия бош прокурори мазкур авиационнинг сабаблари ўрганилаётганини расман билдирди. Маъбада келтирилишича, ноқулай об-хаво

шароити туфайли самолёт ҳалокатга учраган бўлиши мумкин. Сабаби, воқеа юз бермасидан олдин икки соат тинимсиз ёмғир ёққан. Бразилия Президенти Луиш Инасиу да Силва мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилди.

**Суд давом этмоқда**

1993 йилда Хиндистоннинг Мумбай шаҳрида содир этилган хунрезлик оқибатида 257 киши қўрбон бўлган ва 713 киши жароҳатланган эди. Ушбу воқеага алоқадорликда гумон қилинганлар устидан суд жараёни ҳали ҳам давом этмоқда. Шу пайтга қадар 100 киши мазкур фожидада айбдор, деб топилган. Яқинда яна уч нафар шахснинг Мумбайдаги терактларда иштирок этгани исботланди ва суд 103 нафар айбдорнинг барчасини ўлим жазосига маҳкум этди.

**Дастлабки қадам**

БМТ инспекторлари Шимолий Кореядаги барча ядровий объектлар ёпилганини расман тасдиқлади. Расмий Пхеньян мамлакатдаги ядро реакторларини тўхтатиши шу йилнинг февраль ойида эришилган келишувнинг амалга ошишида биринчи қадам бўлди. Бунинг эвазига Шимолий Кореяга 1 миллион тонна ёнғилга етказиб берилади.

Шимолий Кореянинг ядро дастури тақдирини Пекинда АКШ, Россия, Хитой ва Жанубий Корея иштирокида ўтказиладиган музокараларда ҳал этилади.

**Германия фуқаролари гаровга олинди**

Афғонистоннинг Вардак музофотида БМТ миссиясини баҳараётган Германиянинг икки фуқароси ва беш нафар маҳаллий аҳоли номас-лум кишилар томонидан гаровга олинган. Ушбу маълумотни Германия Тақши ишлар вазирлиги расмий вакили Мартин Егер ҳам тасдиқлади. Унинг сўзларига кўра, мамлакатнинг Кобулдаги элчихонаси тегишли ташкилотлар билан биргаликда гаровга олинганларни қидириш ишларини бошлаб юборган.

Косово масаласида Марти Ахтисаари режаси асосида тайёрланган резолюция лойиҳаси БМТ Хавфсизлик Кенгашига овозга қўйиш учун киритилди.

**Лойиҳа овозга қўйилади**

Бу ҳақда АКШнинг мазкур ҳамжамятдаги доимий вакили Залмай Халилзад журналистларга маълум қилди. У резолюция лойиҳасининг тақдирини фақат Россияга боғлиқ бўлиб қолганини таъкидлади. Россия масалани ҳал этишда томонлар талаблари инobatга олинмагани учун ушбу резолюция лойиҳасини қўллаб-қувватламаслигини билдирмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Жарқўрғон туманининг «Дўстлик» маҳалласидаги 7-умумий ўрта таълим мактаби дарвозасидан кириб боришингиз билан кўнглингиз кўтарилади. Бундан эллик беш йил аввал қурилган иморатта пойабзални ечиб кирмоқни ихтиёр қиласиз — заллар ва синфхоналар озода. Ҳовли Боғи Эрамни эслатади: гулзор, чорвоқ, четларига қуюқ хошия тортилган спорт майдончалари.

Жарқўрғон шаҳридаги ҳамма ўқувчиларнинг ота-оналари, фарзандимиз шу мақтабда ўқиса экан, дермиш. Айримлари шу ни-ятларини айтиб, мактаб директори Зулайхо Саманованинг хузурига илтимос ҳам қилиб келармиш. Чунки бу мактабнинг ўқувчилари ўқувчилар билан эртадан кенгача ишлайдилар. Болам деб бошини силаб, меҳрини тўкиб тарбияландилар. Керак бўлганда, болаларни уларнинг уйларига бориб ўқитадилар. «Шогирдим эртага одам бўлсин», дейдилар.

Болалар ҳам ўқитувчиларнинг атрафида гирдиқапалак. Нафакат болалар, бутун маҳалла аҳли айланади, мактабнинг атрафида. Кимдир маслаҳат истаб, кимдир фарзандининг одоби-ю

га велосипед олиб беришди. Бу каби эътибору гамжўрликдан руҳланган мактаб жамоаси Тошкентдан кўрик-танловнинг биринчи совринини олиб қайт-

**ТАЪЛИМДА ТАНАФФУС ЙЎҚ**

қизиқларини сўраб, яна кимдир газета, китоб истаб келади. Ана, яқинда, олтинчи синф ўқувчиларининг «Еш автоўлнзоратчилар» республика кўрик-танловига тайёргарлиги жараёнида, айниқса, маҳалла аҳлининг мактабга борди-келдиси қуюқлашди: машгулотларни кузатишди, йўл сумкалари ва махсус кийим-кечак, тўғрақнинг 8 нафар қатнашчиси-

ди. Шу ютуқ қувват бўлиб, мактабда яна бешта спорт ва хунар ўрганиш тўғрақлари очилди. Мактаб ҳаёти яқинда яна бир янгилик билан бойиди. Бу ерда туман халқ таълими тизимида намунали ахборот-ресурс маркази очилди. Очилиш маросимини бутун маҳалла аҳли тантана билан ўтказди. Ҳабиба Эсонова, Галия Худойбердиева каби меҳнат фах-

**Ибрат**

рийлари марказга шахсий кутубхоналарини, туман прокуратураси эса болалар адабиёти мажмуини совга қилишди.

Биз марказнинг илк китобхоналари рўйхати билан танишамиз: Мамадалиева Моҳира, Абдирашидова Маржона, Йўлдошев Бургутали... Уларнинг аксарияти 5, 6-синф ўқувчилари. Улар — кўпчилик. Улар ота-оналаридан, устозларидан, эл-юртдан миннатдор авлод. Миннатдорлик баробарида юрт шавқатини бошига кўтаришга хизмат қилиш туйғуси билан яшаётган авлод.

Ёз фасли — таътил мавсуми. Лекин мактабда иш тўхтагани йўқ. Зеро, тарбия, маънавият ишида танаффус бўлмади. Мактаб, ахир қуёш мисол ишлагои керек. Тинимасдан. Узидан нур таратиб!

Олимжон УСАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Таътил**  
Маълумки, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Бундан мақсад — таътил кунларида ўқувчиларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш, уларга касб-хунар ўргатиш ва спортга жалб қилишдир.

**Болажонлар беллашуви**

Яқинда ушбу тадбир доирасидаги спорт мусобақалари пойтахтимизда жойлашган «Бахтли болалик» номи 206-боғчада ўтказилди. Боғча тарбияланувчилари ҳамда шу ҳудудда истиқомат қилувчи маҳалла болалари югуриш, узунлик-ка сакраш, шахмат ва бошқа спорт турлари бўйича беллашдилар.

— Бундай тадбирлар болаларни фойдали машгулотларга жалб этиш билан бирга, уларнинг ахлоқий тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. — дейди боғча мудираси В.Суннатова. — Бугунги кичик мусобақада голиб бўлган жажжирларимиз эртага жаҳон миқёсидаги улкан галабаларга эришса, ажаб эмас.

Спортнинг бир неча тури бўйича голибликни қўлга қиритган болаларга «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод тумани бўлими кенга-лашининг эсдалик совга ва мукофотлари топширилди.

Маъруф ХҲҲАҚУЛОВ,  
«Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси.

**Кўргазма**


Пойтахтимиздаги Миср маданият марказида мусавир Шухрат Рассомнинг шахсий кўргазмаси очилди. Уzigа хос тасвирий услуб, тимсоллар ва ранглар рамзийлиги, шарқона руҳият уфуриб турган асарларни томошабинлар ҳайрат билан қарши олмақдалар.

**Эзгуликни мадҳ этиб**

Чунончи, халқимизнинг кечаги, бугунги ва эртанги кундан ҳикоя қилувчи «Ўзбегим» триптихи, юксак меҳр-муҳаббатга бағишланган «Юсуф ва Зулайхо», ер юзининг сайқали бўлмиш Самарқанднинг қадимийлигию гўзаллигини тасвираган «Самарқанд» картиналари бунинг яққол исботидир. Шунингдек, кўргазмадан қатор натормоорлар ҳам ўрин олган.

— Бундай кўргазма ва учрашуларни ўтказиб туриш, аввало, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустақамлашга хизмат қилади, қолаверса, ижод аҳлига илҳом бағишлайди, — дейди Марказнинг маданият ишлари маслаҳатчиси, профессор Магди Муҳаммад Мурси. — Шухрат Рассомнинг турли мавзулардаги асарлари марказимизга таширф буюрётган меҳмонлару, таълим олаётган ўқувчиларга ҳам бир-дай манзур бўлмоқда.


Г. ЙЎЛДОШЕВА.



**САМАРҚАНД.** Ҳозирга келиб юртимиздаги 100 дан зиёд ўқув юртлари ва тиббиёт муассасалари Самарқанд туманидаги «Стеклопластик» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан жиҳозланган. Сабаби, пишиқ ва

пухта ишланган мебеллар ҳар бир хонага кўркамлик бахш этади.

— Маҳсулотларимизга қўшни давлатлардан ҳам талаб тушмоқда, — дейди жамият бошқаруви раиси ўқтам Саидмуродов. — Ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар-



**«СТЕКЛОПЛАСТИК» МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТЛИ ВА АРЗОН**

ни татбиқ этганимиз ютуқлар омили бўлди.

**СУРАТДА:** мебель йиғувчилар Ҳабибулло Одилов ва Баҳром Маллаев иш устида.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Хоразм вилояти Хўжалик судининг 2007 йил 2 июлдаги 22-07.06 2448-сонли ажримига асосан

«БАГАТ-ТЕКСТИЛ» МЧЖ ўзбек-турк қўшма корхонасига

нисбатан банкротлик иши қўзғатилиб, кузатув жорий қилинди.

«Багат-текстил» МЧЖ ўзбек-турк қўшма корхонасига 2007 йил 2 июлдан Казаков Бахтиёр муваққат бошқарувчи этиб тайинланди.

2007 йил 17 август куни соат 16.00 да «Багат-текстил» МЧЖ ўзбек-турк қўшма корхонаси биносида Боғот тумани, Ўзбекистон кўчаси, 3-уйда сайёр очик суд мажлиси ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 10-13-моддасида кўрсатилган тартибга асосан 2007 йил 4 август куни соат 11.00 да Хоразм вилояти, Боғот тумани, Ўзбекистон кўчаси, 3-уйда 1-кредиторлар йиғилиши бўлишини маълум қиламиз.

Барча кредиторлардан ўз ишончли вакилларининг 1-кредиторлар йиғилишида иштирокини таъминлашларини сўраймиз.

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН, ТАДБИРКОР ХОНИМЛАР ВА ЖА.ЮБЛАРИ Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» Фаргона вилояти филиали

очик аукцион савдоларига таклиф этади.

2007 йил 21 август куни соат 15.00 да

«Универсал биржа маркази» биносида бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

Суд ижрочиларининг Ёзёвон тумани бўлимининг томонидан 2007 йил 14 мартдаги 1-24-сонли ижро ҳужжатига асосан рўйхатда олинган:

- Ёзёвон тумани, «Чўлигулистон» ҚФЙ, Наврўз қишлоғидаги Р.Усоновга тегишли чойхона ва ҳаммом бинолари. Бошланғич баҳоси — 32 045 875 сўм;
- Ёзёвон шаҳарчаси, Андижон кўчасида жойлашган «Транс Файв» МЧЖга тегишли бино-ишоотлар ва дарахтлар. Бошланғич баҳоси — 50 182 683 сўм;
- Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридидаги закатал пулини қуйидаги ҳисоб рақамларига тўлашлари шарт:
- жисмоний шахслар учун транзит х/р 2980400090000493415 Ўзбекистон Республикаси ТИФ МБ Фаргона филиали, МФО 00493, ИНН 204325773;
- юридик шахслар учун х/р 22622000904234776001 Ўзбекистон Республикаси ТИФ МБ Фаргона филиали, МФО 00493, ИНН 204325773.

2007 йил 21 август кунидида савдода сотилмай қолган мулклар 2007 йил 24, 28, 31 август ва 7, 11, 14 сентябрь кунлари қайта савдога чиқарилади.

Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закатал пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан, шунингдек, савдога қўйилган мулклар билан танишиш истагида бўлганлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» Фаргона филиали, Фаргона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 47-«А» уй, 2-хона. Телефонлар: 226-45-48, 226-95-98.



Drive your way

Тел.: 215-89-89, 215-83-38. Кафолат — 2 йил. Маҳсулот сертификатланган.

HYUNDAI Official Partner www.hyundai-motor.com

**«СОВПЛАСТИТАЛ» ҚҚ**  
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб қўшма корхона ташкил этилганлигининг 20 йиллиги арафасида

ишлаб чиқараётган маҳсулотларига ўз тарихида мисли кўрилмаган даражада қуйидаги

**ЧЕГИРМАЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Барча турдаги пластмасса маҳсулотларига **30% дан 50% гача.**

Сополдан ишланган маҳсулотларга **30% гача.**

Юқори бадий чинни маҳсулотларига **20% гача.**

Матодан ишланган сунъий гулларга **30% гача**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси Акшидорлик тижорат «Микрокредитбанк» бошқаруви раиси Ж.Б.Сайидилновва онаси

ИСТАТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзин ва ҳамдардлик изҳор этади.

«Гидроминерал ресурслар геологияси илмий-ишлаб чиқариш маркази» Давлат корхонаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси Н.Г.Мавлоновга онаси

Фотиха МАВЛОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Гидрогеология ва инженерлик геологияси» институти Давлат корхонаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси Н.Г.Мавлоновга онаси

Фотиха МАВЛОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат иқтисодий университетини ректорати ва Ўзбекистон касаб-ушма қўмитаси Тармоқлар иқтисодий кафедраси профессори Абдулатиф Абдулганега акаси Абдусалом АБДУҲАНИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзин изҳор этади.

— Сайёр... Қара, мен кимни олиб келдим! — деди Собиржон ака ҳовлига қадам қўярканмиз. Дарвозадаги ноғирлар арачасида бир аёл ўтирди. Мен уни қўларидан, фақат ўзинигина хос бўлган майин табассумидан танидим. Танидим қандай кўришимни, қандай сўрашимни билмай, иккилаб қолдим. Юрагимни ачиниш ва ҳаяжон ўраб-чирмаб олди. Уттиз йил муқаддам олиб-югуриб юрадиган, тилларидан бол томадиган, хусни-жамоли париларни эслатувчи опамнинг бу ҳолга тушиб қолиши мени додиратиб қўйганди. Ичкарига киргач, Собиржон акадан, «Нега бир оғиз аҳвол шундоқ-шундоқ бўлган, дея шипшитмадигиз», деган маънода ўпкалагандай бўлдим.

### Инсон манзаралари

«Сайёр, яхши ўтирибсизларми? Қалайсиз ўзинг», дея суриштириб қўярди. Мени сезмаяпти, билмаяпти, бу ишларни енг ичда қилганман, дея ўйлайди буюкиш. Акам билан опам янги участкага қўчиб чиқибдилар. Юз тупга яқин тоқлари, беш юз тупга яқин катта-кичик теракларни, Покентда бирин-

рият билан уларнинг шаҳар четидagi ховлиларининг оралиги уч чакирим келди. Собиржон ака Иномов ишхонадан чиқа солиб, Сайёра опамдан янги топишган табиб учун, машҳур шифокор учун, эрта-индин гуллашга чоғланаётган бодом учун суюнчи сўрашга шошилиб яшар экан. Велосипед кўнғирогини жиринглатиб боғ кўчадан кириб келаркан, терлаб-пишиб юраркан. Лабларида янгилик яширинган бўларкан. Велосипед тўққичида эса ё бир кило кулпунай, ё тўртта сомса бўлади. Невараларим турганда бу нарсалар менинг томоғимдан ўтармиди? Буларнинг



## БЕҒУБОР ТОНГ СЕҲРИ

— Тасаввурингизни бузгим келмади, укажон, — деди мезбон қўлимга бир пиёла ҳой узатаркан... Бу мавзуга бошқа қайтмайман. Орамизда бўлиб ўтган гапларни гапирмайман. Негаки, буларнинг сизларга қизиқиш йўқ. Талабалик йилларимизни ёзсам, дейман. Уша йилларни эсласам, дейман. Бирга ўқишарди уларнинг иккаласи ҳам. Ҳар шанба Сайёра опам акамнинг эгни-бошларини ювиб берар, бунни карангки, қанчалик эътироз билдирмай, мен ҳам бу эътибордан четда қолмасдим. Акам билан «Эскижўва» бозорига тушиб ошга масаллик кўтариб келардик. Қайтиб келганимизда хонамиз ёғ тушса ялағудек ҳолга келарди. Сочилиб ётган китоблар, умумий дафтарлар китоб жавонидан жой олар, чойшабларимиз эса қордай қайтираб кетарди.

Ушанда ҳам, кейинчалик ҳам кўйдим-ёндим деган неча-неча севилганларни кўрдим. Бироқ уларнинг ҳеч бири акам билан опамнинг яқини ҳам йўлолмади. Мен уларнинг ишқларини ёзолмайман. Бундай юмуш қўлимдан келмайди. Ҳар тонг, ҳар оқшом, ҳар кундуз бир-бирига фақат яхшилик соғиниб яшайдиган кишиларнинг ишқларини қандай ёзиб бўлади? Улар бир-бирини қартлариди олиб юришарди, дегудек бўлсам, эҳтимол, менинг таърифим кимгадир эриш туюлар... Акам билан, бор-йўғи, бир йил ҳамхона бўлганмиш. Улар ўқиниши биздан икки йил аввал битириб кетишди. Икки йилдан сўнг уларни кўрай, биринчи фарзандлар билан табриқлай, деб Покентга бордим. Суюнганларни кўрсангиз эди! Қўвониб-қувониб дастурхон тузади. Суюнчи-суюнчи мени меймон қилишди. Эн-

тикиб-антикиб бирга ўтказган дамларимизни эслашди. Туннинг тинқисини кўриб, тонгчага сўбатлашиб қидик. Ушанга ҳам ўттиз йил бўлибди. Орада бирон мартаба дийдор кўришолмадик. Хаттоки бир-биримизга кўнғирок ҳам қилмабмиш. Мана, акам кидириб топди. Акам мени уйига тақлиф қилди. Уларнигина бекокибат ука сифатида бошимизга ёзиб йўл олдим. Дарвозахонада эса... Дастурхонга шўрва тортиди. Акам қосасидидаги гўшнинг катта бўлагини келини орқали опамга бериб юборди. Дастурхонга қабоб тортиди. Яна шу холат такрор бўлди. Училлари билан, неваралари билан айвонда ўтирган опамнинг қулгуси эшитилди. «Вой адаси-ей, меймон бор, деб ҳам уйламайдилар-а...» Акам ҳар-ҳар замонада ўрнидан туриб, дарвазадан айвонга қарар,

чи бўлиб пишадиган, уч сотих помидор экилган томорқаси, икки ўғил, икки қиз, икки келин ва бир этак неваралари бор экан. Уттиз йилдан бунён ишга велосипедда бориб, велосипедда қайтар экан. У 1976 йилдан буён «Покент ҳаёти» туман газетасида қалам тебратиб келаяпти. Ишга тонг отмасдан йўл олади. Уч чакиримлик йўлни одамлар билан сўбатлашиб, янгиликлар ахтариш, тахририятга аҳожиб мавзулар билан кириб боришга сарфлайди, десак адашмаймиш. Богдан ортиб, тахрират юмушларидан ортиб, бир эмас, учта ҳикоялар тўпламини нашр эттирдилар. Булардан ҳам ортиб опамнинг «Умидли дунё» деб номланган ҳикоялар тўпламини йўқувчилар қўлига етказиб берди. — Бог қўчамизга буриллар-бурилмас велосипед кўнғирогини жиринглатади-Покент катта шаҳар. Тах-

### Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 21 август кўни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказилган очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Учтепа туман суд ижрочилиги бўлими томонидан 2007 йил 26 февралдаги 10-0720/2074-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор Д 20-мавзеси, 46-уйда жойлашган «Фон-1» Тошкент зарғалик заводига қаршли қўйидаги қўчмас мулкни ва шу манзилда сақланаётган автотранспорт воситаларини қўймоқда:

- Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор Д 20-мавзеси, 46-уй манзилидаги устакхона биноси (блок-Н, 2-қават, 226 кв.м.); маъмурий бино (2-қават, 374 кв.м.); 1 қаватли бино ертўласи билан (блок-М, 364 кв.м.); 2 қаватли бино (блок-Л, 138 кв.м.); Бошланғич баҳоси — 39 560 000 сўм;
- 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ560 бўлган «УАЗ-3960-02» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 750 000 сўм;
- 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ561 бўлган «ПАЗ-3205» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 027 000 сўм;
- 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ562 бўлган «ЗИЛ-157Н» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 900 000 сўм;
- 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ563 бўлган «КАЗ-608» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 780 000 сўм;
- 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ438 бўлган «ЗИЛ ММЗ-45021» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 911 000 сўм;
- 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ439 бўлган «ИЖ-2715» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 540 000 сўм;
- 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АТ807 бўлган «ВАЗ-2107» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 700 000 сўм;
- 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10С384 бўлган «КАЗ-9368» русумли яримтиркама. Бошланғич баҳоси — 600 000 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилиги иштирокида бевосита жойига қўчиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлиқ ҳужжатда мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда зақалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минн банкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, 2020800080423477801 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган ариза ва зақалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтайтилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳужаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Қўйидаги ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Арзилар эъмон чиққан кундан бошлаб бир ой муҳлатда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй. Маълумот учун телефонлар: 68-64-86, 68-12-86.

- Иқтисодиёт, молия ва банк иши назарияси кафедраси бўйича — кафедра мудири, доцент.
- Тиллар кафедраси бўйича — кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи.
- Информацион технологиялар ва статистика кафедраси бўйича — кафедра мудири, профессор.
- Пул муомаласи ва кредит кафедраси бўйича — кафедра мудири, профессор, доцент.
- Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси бўйича — кафедра мудири, профессор, доцент.
- Қимматли қоғозлар ва биржа иши кафедраси бўйича — кафедра мудири, доцент.
- Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш кафедраси бўйича — кафедра мудири, профессор, катта ўқитувчи.
- Бошқарув кафедраси бўйича — кафедра мудири, доцент.
- Молия кафедраси бўйича — кафедра мудири, доцент.
- Халқаро молия институтлари кафедраси бўйича — кафедра мудири, катта ўқитувчи.
- Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси бўйича — кафедра мудири, доцент.

Кафедра мудири лавозими танловда тегишли ихтисослик бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражаси, профессор ёки доцент илмий унвонли шахслар иштирок этишлари мумкин. Профессор лавозими танловда тегишли ихтисослик бўйича фан доктори ёки фан номзоди илмий даражаси, профессор ёки доцент илмий унвонли ҳамда камида беш йиллик илмий-педагогик стажли, кафедра фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи бўлган олий маълумотли шахслар қатнашиши мумкин. Кафедра мудири лавозими танловда тегишли ихтисослик бўйича илмий даражаси, илмий унвонли, камида уч йил илмий-педагогик стажли, кафедра фанлари бўйича ўқув-услубий қўлланма ва ўқув дастурлар муаллифи бўлган олий маълумотли шахслар қатнашиши мумкин. Катта ўқитувчи лавозими танловда тегишли ихтисослик бўйича фан доктори, дипломи мутахассиси), шунингдек, илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, камида икки йил илмий-педагогик стажли шахслар қатнашиши мумкин. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ва иштиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини топширадилар.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маъжмаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 25266 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетчилар билан алоқа ва миттақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

**«ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗА» ОАЖда**

экспорт ва импорт қилинадиган озиқ-овқат, ҳўл, қуруқ қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳамда халқ истеъмоли молларини сертификатлашда синов ўтказилади ва мувофиқлик сертификати берилади.

Қўшимча равишда шўни маълум қиламизки, синов комплексининг аккредитлаш соҳаси қўйидаги маҳсулот турлари билан кенгайтирилди:

**Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари:**

- какао ёғи — ярим тайёр маҳсулот;
- майдаланган какао — ярим тайёр маҳсулот;
- қоқун қоқи;
- шакар қуқуни;
- шўр ерёнгоқ;
- чекиладиган тамаки;
- бугдой уни, нон тайёрлаш учун.

**Халқ истеъмоли моллари:**

- «Omos-tek» канализация қувурларини тозаловчи восита;
- суюқ оқартирувчи восита;
- ойна ва қўзғу юзасини ювиш воситаси;
- қуқунсимон болалар упаси;
- дегергент совуни;
- ички кийим ва чойшабларни тўшатиучи, хушбўй ҳид берувчи восита.

«Ўзстандарт» агентлиги аккредитлаш бошқармаси ва назорат инспекцияси томонидан аккредитланган экспорт ва импорт қилинадиган халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сертификатлаш бўлими, синов комплекси, аккредитлаш гувоҳномалари:

- № UZ.AMT.06.MAI.108. 2007 йил 25 май; - № UZ.AMT.06.MAI.109. 2007 йил 25 май; - № UZ.AMT.07.MAI.053. 2007 йил 25 май.

Сифат меъясини таъминлаш: ISO 9001:2000 халқаро стандартни таъминлаш мувофиқлиги, халқаро таъминот TÜV NORD томонидан сертификатланган, сертификат № 04 100 060 266.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Паркент к., 51-уй, 1-қават, 1-хона ва 3-қават, 36-хона. Тел./факс: (+99871) 138-53-71, 138-97-25, 138-97-22.

**Газ уагуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар аиққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» ҚҚ**  
(Чкалов номи ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қўйидагиларни тақлиф этиди:

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортик.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧANAётган ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТўғРИЛАЙДИГАН**

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:

- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Мощтаб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

**Спорт**

**ФИФА рейтингини: Ўзбекистон тўрт поғона юқорида**

Халқаро футбол федерацияси — ФИФА дунё терма жамоаларининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Аҳамиятlisi, унда Ўзбекистон терма жамоаси тўрт поғона юқорига кўтарилиб, 54-ўрндан жой олди. Жадвали кўни кеча яқунланган Америка кубоги соҳиби Бразилия футболчилари бошқариб боришмоқда. Ҳаюртларимиз МДХ вакиллари орасида Украина ва Россия терма жамоасидан сўнг учинчи ўрнда қайд этилган. 22 июль кўни Осиё кубоги чорак финалида бизга рақиб бўладиган Саудия Арабистони футболчилари 61-ўринни эгаллаб турлибди. Мазкур рейтинг рўйхатида ҳозир давом этаётган Осиё кубоги учрашувларидаги натижалар ҳисобга олинмаган.

**3. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**

**ОРТИМУМ КОМПЬЮТЕРИ**

SB-702 MB VIA  
Cел 2,67  
DDR256MB 80 GB  
Video & Lan integ  
sound on board  
Баҳоси — 375 000 сўм  
ва ундан юқори.

**NURON**

Шахсий компьютер FSC  
ESPRIMO P2511  
946GZ Celeron  
420/512MB/ 80 GB  
Serial/DVD Serial  
ATA/Linux  
Баҳоси — 870 000 сўм.

**FUJITSU COMPUTERS SIEMENS**

Манзил:  
Тошкент ш.,  
Телунов к., 2-уй.  
Тел.: 194-60-60.  
Факс: 120-74-93.  
www.nuron.uz

Махсулот сертификатланган.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоёев ва Муҳаммад Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов,  
Набатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева,  
Набатчи — С. Ҳайдаров,  
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА йқуни — 21.15 Топширилди — 22.30 1 3 4 5 6